

Нега диний китоблар қиммат?



09:03 / 24.07.2018 8431

Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги томонидан оли борилган таҳлилларга кўра, диний рисоалар бошқа адабиётларга нисбатан икки баробар қиммат. Диний китобларга бўлган талаб ҳар доим юқори бўлиб келган, дея хабар беради Агентликнинг [сайтида](#).

Одамлар орасида диний рисоаларнинг қимматлашувига диний қўмитанинг назоратдан ўтказиб бериши, галограмма нархлари борлигини рўқач қилиши одат тусига кирган, аммо бу қанчалик рост? Бунга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита нима дейди? Қўмита томонидан китобларга бериладиган галограмманинг қиймати китоб нархига қанчалик таъсир қилади?

Дин ишлари бўйича қўмита вакилининг маълум қилишича, диний китобларнинг қалбаки эмаслигини тасдиқловчи галограмма 97 сўм туради.

Аввалги нарх 149 сўм бўлган. Аммо китобларнинг тан нархи қимматлашиб кетмаслиги учун у 97 сўм этиб белгиланган. Демак, китоблар нархининг қимматлашувида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг таъсири йўқ даражада.

Ўрганишлар давомида Чорсу бозори атрофидаги дўконларда сотилаётган диний китобларнинг ўртача нархларига қизиқдек. “Қуръоний ва энг зарурий дуолар” ҳамда “Келинг, Қуръон ёдлаймиз” китоблари 50 000 сўмдан, “Икки олам сарвари” китоби 38 000 сўм, “Пайғамбарлар тарихи” 1-4-китоблар 90 000 сўм, “Исми Аъзам” китоби 45 000 сўм, “Қуръони Карим машҳур суралари фазилати” китоби 75 000 сўм ва ундан юқори нархларда савдога қўйилган.

uza.uz сайти мухбири диний рисолаларнинг қимматлашувига таъсир этувчи бошқа омилларни мавжудлигини маълум қилиб, бу борада ўрганшилар олиб борилаётганини ва бу ҳақда кейинги мақолада хабар бериши айтиб ўтилган.